

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 942-ҳадис

وَقَدْ سَبَقَ فَضْلُ التَّشْيِيعِ (برقم 907، 908)

942 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ شَهَدَ الْجَنَّةَ حَتَّىٰ يُصَلَّى عَلَيْهَا فَلَهُ قِيراطٌ، وَمَنْ شَهَدَهَا حَتَّىٰ تُدْفَنَ فَلَهُ قِيراطًا»، قَيْلَ وَمَا الْقِيراطَانِ؟ قَالَ: «مِثْلُ الْجَبَلَيْنِ الْعَظِيمَيْنِ». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 1325، م 945].

942. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким жанозада намоз ўқилгунча қатнашса, унга бир қийрот бор. Ким дағн этилгунча қатнашса, унга икки қийрот бор», дедилар. «Икки қийрот нима?» дейилди. «Икки улкан тоғ мислича», дедилар».

Муттафакун алайх.

Шарҳ: Бошқа бир ривоятда:

«Икковларидан кичиги Ухудга ўхшаш», деғилган.

Ибн Умар жанозага намоз ўқиб, қайтиб кетар эдилар. У кишига Абу Ҳурайранинг ҳадиси етганда:

«Батаҳқиқ, кўплаб қийротларни зое қилибмиз», деди».

Ушбу ҳадисда жанозага ҳозир бўлиш, жаноза намозини ўқиш катта савобга сабаб бўлиши, дағн этишда қатнашиш ҳам яна шунча савобга эга қилиши ҳақида сўз бормоқда.

Улкан тоғдек савоб оз нарса әмас. Албатта, бу нарса савоб умидида жанозага қатнашган кишиларга берилади. Жаноза ва дағнга бошқа умид билан борғанларга әса ўша умид ёқилган нарсалари берилади. Ушбу маънони уламоларимиз алоҳида таъкидлаганлар. Чунки бошқа ҳадисларда шу маъно ўз аксини топган.

Ибн Умар розияллоху анхүнинг тасарруфларидан эса, баъзида улкан ва олим сахобалар ҳам баъзи масалалардан хабардор бўлмай қолишлари мумкинлигини тушунамиз. Шу билан бирга, уларнинг камтарликлари, илм етганда дарҳол қабул қилишларини биламиз. Бизлар ҳам улардан ўrnак олишимиз керак бўлади.

Ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб, доимо жаноза намозига ҳозир бўлиб уни ўқишига ва маййитни дағн қилишда ҳам қатнашишга ҳаракат қилишимиз керак.

Манба: hadis.islom.uz

